

Бақара сураси, 205-оят

09:05 / 12.02.2018 3390

Ва бурилиб кетганда, ер юзида бузғунчилик қилиш ҳамда экин ва наслни ҳалок этиш учун ҳаракат қиладир. Аллоҳ эса бузғунчиликни суймас. Бақара 205.

Ундай шахснинг қиладиган иши айтган гапининг тамоман акси бўлади. Чиройли гапларни гапириб, ҳаммани ажаблантириб қўйиб, бурилиб бориб, фасодни – дунёда бор ёмонликни қилади. Экин ва наслни, яъни бутун наботот ва жонзотни йўқ қилишга ҳаракат қилади, уринади. Чунки инсон шаклидаги бу мунофиқ махлуқнинг вужуди ҳиқду ҳасадга, макру фасодга тўлгандир. Аллоҳ эса бундайларни ҳеч-ҳеч хуш кўрмайди.